301198

Ал-Фарғоний даҳосига таъзим

Фарғонада буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги тантаналари кенг нишонланди

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлига чиқиши ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришларга олиб келмоқда. Бу ўзгаришлар, аввало, ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий соҳаларда ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

Президент Ислом Каримов раҳнамолигида миллий маданиятимиз, тарихий мерос ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, чуқур ўрганиш, келажак авлодларга етказишга катта эътибор қаратилаётганлиги маънавий янгиланиш борасида муҳим босқич бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бу йил мамлакатимизда буюк бобокалонларимиз Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик таваллуд тўйлари нишонланиши аждодларга эҳтиром, ўтмиш меросга янгича ёндашув, миллий онг, миллий ғурур ва ўзликнинг уйғонишидан, қадриятлар тикланаётганлигидан далолатдир.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинганидан сўнг мамлакатимизда бу қутлуғ тўйга кенг кўламдаги тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Бу сананинг ЮНЕСКО қарори билан халқаро миқёсда нишонланиши Аҳмад ал-Фарғоний илмий меросини ўрганиш борасидаги янги тадқиқотларга имконият яратди. Юбилей муносабати билан аллома ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий анжуманлар, бадиий кўргазмалар ўтказилди, янги китоблар нашр этилди, спектакллар саҳналаштирилди, фильмлар суратга олинди.

Қутлуғ тўй шарофати ила қадим Фарғона янгича кўрк ва чирой касб этди. Айниқса, Фарғона шаҳридаги Аҳмад ал-Фарғоний номи билан аталувчи оромгоҳ тўлиқ қайта таъмирланиб, сўлим ва бетакрор масканга айланди. Азим дарахтлар, жилоланиб оқаётган ирмоқлар, шарқона усулда қурилган фавворалар, кўкка бўй чўзган устунлар боққа ўзгача фусун бахш этди.

Қадимий Қува Шаҳристонида ҳам юбилей муносабати билан улкан ишлар амалга оширилди: фавворалар билан безалган Шаҳристон майдони барпо этилди, устунлар билан қуршалган арк ичида ал-Фарғоний ҳайкали қад кўтарди. Айни пайтда бу ерда кенг кўламли археологик қазилмалар бошланди, кўҳна Қубо деворлари қайта тикланди. Ўн бир гектардан зиёд майдонда олиб борилаётган илмий изланишлар натижасида қўлга киритилган топилмалар шаҳар тарихи 2500 йилдан ортиқ даврни ташкил этишидан далолат бермоқда.

***

24 октябрь куни эрта тонгда юбилейга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар, республикамиз вилоятлари, жамоат ташкилотлари вакиллари Фарғона шаҳрига етиб келдилар.

Юбилей тадбирлари вилоят театри биносида ўтказилган «Аҳмад ал-Фарғоний илмий меросининг жаҳон фани тараққиётида тутган ўрни» мавзуидаги халқаро анжуман билан бошланди. Унинг ялпи мажлисида Аҳмад ал-Фарғонийнинг дунё фани тараққиётидаги ўрни, ал-Фарғоний ва мусулмон астрономиясининг шаклланиши мавзуларига бағишланган маърузалар тингланди. Илмий конференциянинг шўъба мажлислари аллома илмий мероси, ал-Фарғоний ва дунё астрономияси, буюк олимнинг амалий фанлар ривожига қўшган ҳиссасига оид масалаларга бағишланди. Қирққа яқин хорижий мамлакатдан ташриф буюрган олимлар аллома илмий кашфиётлари Шарқ Уйғонишининг ибтидоси бўлганлигини, унинг мероси Беруний ва Улуғбек каби даҳолар етишиб чиқиши учун пойдевор яратганини таъкидладилар.

***

Юбилей тадбирларида иштирок этиш учун мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Фарғона вилоятига ташриф буюрди. Шаҳар аэропортида юртбошимизни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси И. Жўрабеков, Фарғона вилояти ҳокими Н. Мўминов кутиб олди.

Юртбошимиз ташриф дасталарида Фарғона механика заводи қошидаги «ЎзДЭУавто» автомобиллари учун диск ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти билан танишди. Мазкур корхона Швейцария, Германия, Голландиядан келтирилган ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, ҳар йили тўрт турдаги бир миллионга яқин диск тайёрлашга ихтисослашган.

Давлатимиз раҳбари корхонадаги технологик жараён, тайёр маҳсулот турларини кўздан кечириб, ишлаб чиқаришни узлуксиз ташкил этиш, зарур жиҳозлар ва бутловчи қисмларни шу ернинг ўзида тайёрлашни йўлга қўйиш хусусида кўрсатмалар берди.

— Биз «ЎзДЭУавто» автомобиллари учун бутловчи қисмларнинг 70 фоизини мамлакатимизда ишлаб чиқаришга эришишимиз керак, — деди Президент. — Умуман, ҳар бир янги бунёд этилаётган корхона ана шундай мўлжал билан иш юритса, экспорт импортдан ортади ва мамлакат иқтисодиётининг ўсиши учун замин яратилади. Бу эса ўз навбатида, ижтимоий соҳани ривожлантириш, Аҳмад ал-Фарғонийдек аждодларимизнинг юбилейларини муносиб ўтказишга имкон туғдиради.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов ва юбилей қатнашчилари Қувага ташриф буюрдилар. Буюк бобокалонимиз руҳига Қурён тиловат қилиниб, эл-юртга хотира оши тортилди.

Президент Ислом Каримов Қува Шаҳристон мажмуи билан яқиндан танишиб, археологик топилмалар: кўп асрлик тарихга эга жиҳозлар, уй-рўзғор буюмлари, ҳунармандлик намуналарини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари Шаҳристон майдонидаги Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкали пойига гул қўйди.

Шу ерда Ислом Каримов журналистлар саволларига жавоб бериб, жумладан шундай деди:

— Олдимизда турган вазифаларни амалга ошириш, келажаги буюк давлатни, фаровон ҳаётни қуриш учун авваламбор маънавият масаласига эътибор беришимиз лозим. Зеро, моддий қудрат билан бир қаторда давлатимиз маънавий қудратга эга бўлиши керак. Ниятим шуки, тикланаётган тарихий ҳақиқат ёшларимизнинг онгидан мустаҳкам жой олсин. Улуғ мақсадларга эришиш учун ҳар бир инсоннинг маънавияти юксак бўлмоғи зарур. Тарихий илдизларимизни, бизга мадад берадиган аждодларимизни билмасдан туриб, ўзлигимизни англай олмаймиз. Шу боис, мана шу тупроқда вояга етган улуғ сиймоларнинг унутилаёзган номларини тиклаш муҳим аҳамиятга эга.

Республикамиз Президенти майдонга йиғилган қувалиқлар билан суҳбатлашиб, нуроний отахонларнинг дуосини олди. Барча давлатимиз раҳбарининг хайрли ишларига ривож тилаб дуога қўл очди.

***

Фарғона шаҳридаги аллома номи билан аталувчи оромгоҳда Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкалининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бобокалонимизнинг боғ тўрида қад ростлаган улуғвор ҳайкали аллома ўз юртига қайтганлигини, қўлидаги «Осмон юлдузлари ҳаритаси» эса унинг фаолияти илмни юксак фалакка кўтарганлигини, ватандошларимизнинг улуғ алломага ҳурматини ифода этади.

Ҳайкал пойига юртбошимиз номидан гулчамбар қўйилди. Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкали очилишига бағишланган маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари бутун юртимиз аҳлини қутлуғ тантана билан муборакбод этди.

Сўзга чиққан фарғоналиклар, хорижлик меҳмонлар тарихий ҳақиқатлар тикланиб, буюк аллома ҳурмат бажо келтирилиши истиқлол берган имконият, ал-Фарғоний мероси бутун инсониятнинг бебаҳо мулки эканини таъкидладилар.

***

Шу куни кечқурун байрамга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар, республикамиз вазирлик, идора ва ташкилотлари раҳбарлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари, вилоят жамоатчилиги ал-Фарғоний номидаги оромгоҳга тўпландилар. Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган театрлашган томоша бошланди.

Тантаналар бошланганини билдирувчи мусиқа садолари янграйди. Мустақиллик туфайли юртига қайтган Аҳмад ал-Фарғонийга бағишланган шеър ўқилади.

Атрофни сон-саноқсиз чироқлар нури нурафшон этиб, майдон узра най навоси янграйди. Шу дам чақалоқ йиғиси оламни тутади. Гўдакка улуғ орзулар билан Аҳмад деб исм қўйишади. Муҳтарам она дунёдаги энг муаззам қушиқ — «алла»ни куйлайди. Раққосалар «Фарғона тонг отгунча» қўшиғига хиром айлаб, янги илм қуёши балқиганига ишора этадилар.

Саҳнага хат-саводи чиққан, билимга чанқоқ ёш Аҳмад кириб келади. Устози ўсмир Птоломейнинг «Алмажуст»ини мутоала қилиб бўлганини эшитгач, унинг зеҳнига тасанно айтади.

Ёш Аҳмадни Халифа ал-Маъмун чорлаганини эшитган Фарғона аҳли катта байрамга тўпланади. Устозлар шогирдни Бағдодга кузатиб, унга оқ йўл тилашади. «Йўл бўлсин» қўшиғига ҳамоҳанг китоблару илмий анжомлар юкланган катта карвон йўлга чиқади.

Майдонда ал-Фарғоний яратган «Осмон юлдузлари ҳаритаси» пайдо бўлади. Етти иқлимнинг илм-фан ва маданият намояндалари бирин-кетин саҳнага кириб келиб, «Байтул ҳикма» да жаҳон алломалари тўпланганини ифода этадилар.

Илм аҳлининг сардори ал-Хоразмий. Аҳмад ал-Фарғонийни «Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби» яратилгани билан қутлайди. Шундай ўғлонни етиштирган она Туркистонни шарафлайди.

Саҳнада заминимиз даҳолари Марвазий, Жавҳарий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек ва Бобур сиймолари пайдо бўлади. Уларнинг боқий мероси истиқлол туфайли озод ва ҳур халқимизнинг бебаҳо мулкига айланганлиги ёрқин образлар орқали намойиш этилади. Республикамизнинг таниқли санъаткорлари, вилоятлардан келган бадиий жамоалар ўз чиқишларида халқимизнинг улуғ бобокалонимизга чексиз эҳтиромини изҳор этдилар. Театрлашган томоша мушакбозлик билан якунланди.

Юбилей тантаналарида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Н. Жўраев, А. Мансуров, Т. Рискиев, Бош вазир ўринбосари Х. Кароматов, Фарғона вилояти ҳокими Н. Мўминов қатнашди.

Беҳзод УСМОН,
Расулжон КАМОЛОВ,
ЎзА мухбирлари

***

Суратларда: тантанадан лавҳалар.
Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ, Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар



Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 25 октябрь, якшанба • № 128 (24.365).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Президент Ислом Каримовнинг Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкалининг очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқи

Қадрли юртдошлар!

Азиз меҳмонлар!

Бугун юртимизнинг қадимий ва сўлим гўшаларидан бири Фарғонада муборак байрам. Кеча биз табаррук Самарқанд заминида ислом оламида юксак обрў-эътибор қозонган улуғ ватандошимиз, ҳадис илмининг султони, буюк аллома Имом ал-Бухорийнинг таваллуд тўйини ўтказиб, ғоят савобли ишни адо этдик.

Бугун эса халқимизнинг яна бир буюк ўғлони, ўрта асрлар жаҳон илм-фани асосчиларидан бири, қомусий олим Аҳмад ал-Фарғонийнинг хотирасини ёд этиб турибмиз. Ушбу тарихий воқеалар бутун дунё илму маърифат, маънавият аҳлининг диққат марказида бўлиб, эл-юртимиз обрў-эътиборини жаҳонга тараннум этмоқда.

Азиз юртдошлар!

Кишилик тараққиётига ўзининг ўчмас улушини қўшиб, мамлакатимиз шуҳратини оламга таратиб, тарих саҳифаларига абадул абад муҳрлаган Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳовуддин Нақшбанд, Алишер Навоий сингари улуғ сиймоларни етиштирган миллат ҳар қанча ғурурланса арзийди.

Ўзбек диёрида парвариш топган минглаб алломаю адиблар, олиму мутафаккирлар қаторидан ўрин олган Бурҳониддин Марғиноний, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Махдуми Аъзам Косоний, Боборахим Машраб, Нодирабегим каби фозиллар дунёга келган Фарғона водийси ушбу ақидани яна бир бор тасдиқлайди. Зеро, бу маскан ҳам кўҳна тарихимизда, давлатчилик, илму маърифат, маданият, меъморчилик анъаналаримиз тараққиётида беназир ўринга эга.

Азиз дўстлар!

Бир ҳақиқатни барчамиз англаб олишимиз зарур. Ўзбек заминида асрлар давомида фан ва маданиятнинг турли соҳаларида буюк истеъдодларнинг парвариш топгани бежиз эмас, албатта.

Жамият тараққиётидаги ҳар қандай ўзгаришлар, янгиликлар, айниқса, инсоният ривожига катта туртки берадиган жараёнлар, кашфиётлар ўз-ўзидан юз бермайди.

Бунинг учун аввало асрий анъаналар, тегишли шарт-шароит, тафаккур мактаби, маданий-маънавий муҳит мавжуд бўлмоғи керак. Миллатнинг табиатида, қонида, насл-насабида эзгулик ва маърифат сари интилиш мафкураси ва қонунияти жўш уриши лозим.

Бунинг учун энг аввало мана шу қадимий ва бетакрор юртга Оллоҳнинг назари ва эътибори тушиши керак.

Азиз дўстлар, биродарларим!

Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги миллатимиз учун катта сиёсий ва маърифий аҳамиятга эга. Биз бу санани давлатчилигимиз ва илму маданиятимиз тарихини, мустабид тузум йилларида ноҳақ унутилган буюк аждодларимизнинг муборак номларини қайта тиклашдек олижаноб ишнинг узвий бир қисми деб биламиз.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг оламшумул мероси дунё маданияти ва маърифати хазиналаридан бири бўлиб, миллий салоҳиятимиз, миллий тафаккуримиз кўлами ва қудратининг исботидир.

Аҳмад ал-Фарғоний кишилик тарихидаги илк Уйғониш даврининг энг забардаст ва ёрқин намояндаларидан бири, ўз замонаси фундаментал фани асосчиларидан эди.

Унинг мероси инсониятнинг янги илм чўққиларига кўтарилишига сабабчи бўлди, бутун маърифий дунё олимлари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Фарғоналик бу фозил зотнинг "Астрономия асослари" номли шоҳ асари ўн иккинчи асрдаёқ лотин ва иврит тилларига таржима этилган эди.

Европада китоб нашр этиш бошланган XV асрда эса бу асар Италияда, кейинчалик Германия, Франция, Голландия ва АҚШ каби мамлакатларда қайта-қайта чоп қилингани унинг нақадар юксак аҳамиятга эгалигини кўрсатади. Инсон тафаккурининг бебаҳо маҳсули бўлган бу китоб асрлар давомида астрономия фани бўйича ўзига хос қомус вазифасини ўтаган. Дунёнинг энг нуфузли дорилфунунларида ундан асосий дарслик сифатида фойдаланиб келинган.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг Ернинг шарсимон шаклга эгалиги борасидаги қарашларини орадан саккиз юз йил ўтиб амалда исботлаган машҳур сайёҳ Христофор Колумб, Ер меридианининг бир даражаси миқдори ҳақидаги ал-Фарғоний ҳисобларининг тўғрилигига тўла ишонч ҳосил қилдим, деган дастхат қолдирган.

Бу эътироф бобокалонимиз, янада кенгроқ айтсам, миллатимиз илмий салоҳиятига берилган муносиб баҳодир.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг астрономия фани ривожидаги нуфузи шу қадар эдики, аллома бобомизнинг номи Ер куррасидагина эмас, самода ҳам абадий шуҳрат топди. Ўн олтинчи асрдаёқ Ойдаги кратерлардан бирига унинг номи берилган эди. Атоқли астроном Ян Гевелий томонидан 1647 йили нашр қилинган «Селенография» китобида Ойдаги кратерлардан иккитаси икки буюк ватандошимиз — Аҳмад ал-Фарғоний ва Мирзо Улуғбек номи билан аталади.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун озод юртимизда Аҳмад ал-Фарғоний каби зотлар ёқиб кетган илм машъали янгитдан порлай бошлади. Биз ўсиб келаётган ёш авлод таълим-тарбиясини, уларнинг замонавий илғор билимларга эга бўлган ҳолда улуғ бобокалонларимиз меросига муносиб бўлишларини давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши, деб биламиз. Шу мақсадда мамлакатимизда ягона таълим-тарбия тизими махсус Миллий дастур асосида тубдан ислоҳ қилинмоқда.

Минглаб фарзандларимиз юксак тараққий топган давлатлардаги энг нуфузли билим даргоҳларида таҳсил олаётгани, буюк аждодларимизнинг издошлари сифатида ақл-заковат, илмга чанқоқлик, тиришқоқлик намуналарини кўрсатаётгани жамиятимизнинг эртанги куни янада ёруғ бўлишидан дарак беради.

Аҳмад ал-Фарғонийга бағишланган тантаналар ўзлигимизни, қадр-қимматимизни, миллатимизнинг дунёда тутган ўрнини англаш йўлида яна бир муҳим воситадир. Айниқса, бу сананинг ЮНЕСКО қарори билан халқаро миқёсда кенг нишонланиши Аҳмад ал-Фарғоний илмий меросини ўрганиш борасидаги янги-янги тадқиқотларга асос бўлади, деб ишонаман.

Қадим Қубо тупроғида бунёд этилган муҳташам ёдгорлик мажмуи, Аҳмад ал-Фарғонийнинг қаршингизда қад кўтариб турган бу улуғвор ҳайкали ватандошларимизнинг улуғ бобокалонимизга ҳурмат-эҳтироми ҳамда эзгу мақсадларимиз рамзи бўлиб қолиши табиийдир.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб буюк аждодимиз хотирасини абадийлаштириш, кўҳна Қубо шуҳратини тиклаш, Фарғона шаҳрини водий тароватига хос равишда обод этишда сидқидилдан меҳнат қилиб, бор маҳоратларини ишга солган қурувчиларга, меъморларга самимий миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Азиз юртдошлар!

Бугун Аҳмад ал-Фарғоний бобомизнинг тўйини нишонлар эканмиз, у қолдирган меросниг оламшумул аҳамияти ҳақида сўзлар эканмиз, биз Фарғона заминига, Қува тупроғига, шу ерда ўтган одамларнинг руҳи олдида ва бугун яшаётган авлодлар қаршисида таъзим қиламиз.

Бу зотнинг шу ерда туғилгани, тарбия топиб вояга етгани бу юртни барчамиз учун янада азиз ва мукаррам қилади.

Бу зот қаерда яшаган бўлмасин, хоҳ Бағдодда, хоҳ Дамашқда, хоҳ Қоҳирада ўз илмий кашфиётлари билан шуҳрат топган бўлмасин, ишонаманки, у ҳамиша туғилган юртини соғиниб яшаган. Она-Ватанининг муҳаббати ва соғинчини бир умр қалбида сақлаб юрган. Бу туйғу нафақат улуғ инсонларга, балки иймонли, диёнатли ҳар бир одамга хос хусусиятдир.

Муҳтарам ватандошларим!

Йиллар ўтади, асрлар ўтади, янги авлод дунёга келади, лекин бу зотнинг номи, буюк мероси халқимиз учун шон-шараф рамзи бўлиб абадул-абад сақланиб қолади.

Яна бир бор барчангизни бугунги қутлуғ тантана билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Оллоҳ таолодан ҳаммангизга омонлик-фаровонлик, эзгу ва хайрли ишларингизда мадад тилайман. Улуғ бобомиз руҳи хонадонингизни нурафшон, қалбингизни мунаввар этсин.

Газетамизнинг доимий муҳлисимисиз?

Обуна 99

— «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» ва «Осиё бозори» газеталарига ўтган йили обуна бўлганмисиз?

— Келгуси йили ҳам газеталаримиз билан ҳамкорлик қилиш ниятингиз борми?

Аброр ҚОСИМХЎЖАЕВ, Ўзбекистон Республикаси «Озиқовқатсаноати» уюшмаси раиси:

—Эътироф этишим керакки, севимли газетанинг номи менга маъқул. Ҳар гал уни қўлга олганимда дунёвий тараққиёт сари одимлаётган мустақил Ўзбекистоннинг овози дунёга таралаётганини ҳис этаман. Ўтган етти йил мобайнида қатор иқтисодий ислоҳотларни амалга оширяпмизки, буни ўзимиз ҳам, жаҳон ҳамжамияти ҳам кузатиб, дўстона хайрихоҳлик кўрсатилмоқда.

Бу газетага ҳамиша обуна бўлиб келганман ва яна шундай бўлиб қолади. «Ўзбекистон овози» иш столимда туради. Уюшмамизга тегишли ўттиздан зиёд катта-кичик корхона ва ташкилотлар бўлиб, уларда етти мингдан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Яқинда Хоразмда фойдаланишга топширилган шакар заводи ҳам иш фаолиятимиз тобора кенгайиб бораётганидан нишона. Бир сўз билан айтганда, маънавият сарчашмаларидан ҳисобланган газеталарга обуна бўлишни расмийлаштирамиз. Иложи борича, ҳар бир жамоа ва корхонага камида 2-3 тадан газета боришини таъминлаймиз.

ОЛИС ЭЛДА ЁТАР УСТОЗИМ...

Фалак сирин очиб жаҳонга,
Оврўпада шуҳрат қозонган.
Осиёни солиб ҳайратга,
Устурлоб илмини яратган,
Олис элда ётар устозим!

Бағдоддаги Байт —ул-Ҳикмада,
Хоразмийнинг шогирди ўтган.
Ал-Маъмун-ла бўлган баҳсларда,
Ўткир зеҳнин намойиш этган,
Олис элда ётар устозим!

Ер куррасин Санжар чўлида
Тенгсиз аниқликда ўлчаган,
Балки Колумб сафар чоғида
Шу аниқлик ишонч уйғотган,
Олис элда ётар устозим!

Сакробоско доира тузганда
Фарғонийдан ғоясин тонган.
Региомонтаннинг даврида
Альфраганус номини олган,
Олис элда ётар устозим!

Дажла дарёсининг бўйида
Жафария каналин қурган.
Она Фарғонанинг ишқида
Ўзга юртда бўстон яратган,
Олис элда ётар устозим!

Ўзбекистон озод бўлганда
Ватандошлар сафига қайтган.
Она Ватан донғин ёйишда
Бизга буюк ўрнак кўрсатган,
Олис элда ётар устозим!

Шуҳрат ЭГАМБЕРДИЕВ

Бу дунёнинг ишлари

Соқол билан рингга чиқманг

Покистоннинг Карачи шаҳрида бокс бўйича ўтказилаётган халқаро учрашувда Афғонистон спортчиларини соқол билан рингга чиқишга рухсат этилмади. Толибонларнинг 1996 йилдаги қонунига биноан эркаклар соқолсиз юриши мумкин эмас.

Иордания шоҳи воситачилигида

Яқин Шарқ масалалари бўйича олиб борилаётган музокараларда иштирок этиш учун америкаликлар таклиф қилган Иордания шоҳи Ҳусайн Фаластин, Исроил ва АҚШ раҳбарлари билан яккама-якка суҳбат ўтказди. Америка вакилининг айтишига кўра, шоҳдан иккала томонни қатъий тўхтамга келиш зарурлигига ишонтириш сўралган эди. Олиб борилган музокараларга яқин кишиларнинг айтишича, тўқсон фоиз масала бўйича бир қарорга келишилган. Фаластинликлар томонидан кўрилиши лозим бўлган хавфсизлик тадбирлари ва Исроил томонидан асрликда сақланаётган бир неча минг фаластинликларни озод қилиш масаласи ўз ечимини кутиб турибди.

Жангарилар қамоққа олинди

Фаластин хавфсизлик хизмати ходимлари Исроилга қарашли Беершеб шаҳрида гранаталар портлатишда иштироқ этишда гумон қилинган 20 га яқин жангариларни қамоққа олди. Қамоққа олишлар «Хамас» ҳаракати раҳбарларининг портлаш жавобгарлигини ўз зиммаларига олганлигидан сўнг бошланди. Ушбу террорчилик ҳаракати натижасида 60 дан ошиқ одамлар ярадор бўлган. «Хамас»нинг берган ахборотига кўра ушбу портлатиш Исроил томони арабларнинг уч нафар энг малакали бомба тайёрловчиларини отиб ўлдирганлари ва ерларини босиб олганлари учун олинган қасосдир.

Бу дунёнинг ишлари

БУХОРИЙ НУРИДАН ОЛАМ НУРАФШОН

23 октябрда рўйи замин сайқали Самарқандда,





Ҳидоят зиёси ёғилган замин

Бу кун тонг шукуҳи бўлакча. Унда гўё бир туғён вояга, портлашга етилди. Бутун олам — заррадан то коинот қадар зиёга бурканган. Юлдузлар ҳам кўпроқ ва ёрқинроқ порлади. Фалак пештоқидан тушгиси келмас уларнинг. Ой-да осмонни тарк этишни истамас сира. Юртимиз узра машъалалар ёқиб турибди осмон ёритқичлари. Бутун Ер Само кутяпти Ўзбекистонда содир бўлишини бир мўъжиза.

Мўъжизаки, дунё яна бир карра ҳайрат бармоғини тишлагай! Олам аҳли таҳсинлар айтгай она-халқимга! Бундан ўн икки аср муқаддам-да осмонинг бугунгидай чароғон бўлгани муқаррар, юртим! Яна шу ҳам муқаррарки, бундан ўн минг аср, юз минг аср кейин ҳам абадият қадар мусаффо бўлгай осмонинг!

Осмон... Улкан самолёт учади Тошкентдан Самарқандга ошиқиб. Одатдагидан тезроқ учади. Самолётда интиқлик ва интизорликлар, ҳаяжону ҳайратлар, орзу ва умидлар учиб бормоқда. Самолётда бир ярим асрлик орзулари ушалган ватандошларим учиб бормоқда. Миллатимизнинг номуси, ори, қаторда нори учиб бормоқда. Худди Ўзбегимдек қудратли самолёт самоларга-да, қудратини намоён этиб, парвоз этмоқда. Йўқ, бу самолёт эмас. Миллатимиз тақдирида битилган, пешонасида ярқираган Ҳумо қуши! У қанот кермоқда юксак фалакларда!

Бобо Қуёш ҳам бугун оламдек жуда эрта уйғонган бу кун. Диёримизга ҳидоят ва раҳмат назарини ташлайди у энг биринчи бўлиб. Биз самолётдан тушганимизда Ургут тоғларидан чиқиб келарди Бобо Қуёш! Ассалому алайкум, эй, Офтоб! Ассалому алайкум, эй, Дунё! Бу кун бутун оламга қўшилиб сен-да Самарқандда бир мўъжиза содир бўлишини кузатмоқчимисан? Кўраяпсанми, халқимизнинг кимлигини! Ахир сен минг-минг йиллардан буён гувоҳсан-ку бу халқнинг мўъжизаларига. Ахир, сен тафтни, қўксингдаги оташни миллатимизнинг бағридан, меҳридан олгансан-ку, эй, Бобо Қуёш! Коинотнинг тождори, сенга ҳам меҳр берган-ку шу халқ!

Эй, тождор Қуёш, бу дунёнинг ишларига гувоҳсан-ку сен ўзинг. Дунёнинг энг яхши одамлари Самарқандга ошиқаётганини ўзинг кўриб турибсан. Бу кун барча йўллар Самарқандга олиб чиқмоқда. Одамларнинг либослари, уст-бошлари, тиллари ҳар хил. Ким оқ танли, ким қора танли, ким қизил... Аммо, ҳамманинг фикр-ўйида, қалбида Имом Бухорий ёлқинлари гуриллаб турибди. Буюк ватандошимиз XIII аср муқаддам ёққан оловнинг қўрида исиниш учун жаҳон жам бўлиб келмоқда. Бухорий руҳи бутун дунёни оёққа қалқтирганига ўзинг гувоҳсан-ку, Бобо Қуёш! Ўн уч аср-а! Ўн уч аср! Ўзинг айт, эй, Бобо Қуёш. Халқимизнинг шундай заколари, закийлари, даҳолари олдида тиз чўкмаслиги мумкинми оламнинг?! Мумкинми, шундай даҳоларнинг хоки-пойларини кўзга суртмаслик. Мумкинми, мен ўзбекман, дея ҳайқирмаслик.

Бугунги ёруғ кунларда кечаги зулмат даврларни бир эслаб қўймасак бўлмас. Бундай кунда мозийга қайтмоқ, зулмат саҳифаларини титмоқдан мақсад — хатолар такрорланмасин. Биз, биздан катта авлод тортган жабрларни фарзандларимиз тортмасин!

Самарқанд биқинидаги Ҳартанг қишлоғини илгари унчамунча киши билмасди...Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг номини илгари унинг юртдошлари тузукроқ билармиди! Билганлар бормиди буюк муҳаддиснинг буюк мероси ҳақида, айтинг-чи. Билганлар ернинг устида эмас, ернинг остида эди. Билганлар Ватандан мосуво қилинган эди. Билганлар оғиз очсалар, бошларида қонли қиличлар ўйнар эди. Билганлар... Улар сара фарзандлар эди. Улар кўксиларига кўмиб яшадилар Бухорий бобомизни. Улар кўксиларида асраб яшадилар Бухорий бобомизни.

Неча хонлару, тахтлар, амиру беклар ўтди, қиличини қайрабон золиму зулмлар ўтди. Барига сен ўзинг гувоҳсан, эй, Бобо Қуёш. Дунёни бир кунжида Ҳартанг деган мўъжаз қишлоқ борлигини билмай, унга эътибор бермай ўтди. Қишлоқда мўъжаз бир қабр борлигини Худодан бошқа ҳеч ким билмасди, эҳтимол. Ҳаробазор аро бир тепалик ётарди чивинларга маскан бўлиб...

Давру давронлар ўтди. Асру замонлар ўтди. Ўтди, ўтди, ўтди-ё... Ҳамма ўтиб кетди-ё... Лекин Ватан ўтмади. Ватан Бухорийлари ўтмади.

Бир хор бўлган жой бир обод бўлади, дейдилар. Чарҳпалак дунё-да. Ўзбекистон ҳам, Ҳартанг қишлоғи ҳам, Бухорий қабри ҳам бир зот чиқишини асрлар давомида кутганига ўзинг гувоҳсан-ку, эй, Бобо Қуёш. Шундай зот чиқди. Гўёки халқ бошига офтоб чиқди. Шу офтобнинг назари олис-олислардаги Ҳартанг қишлоғига ҳам, барчани эсидан чиққан унут қабрга ҳам тушди. Хор бўлган жой обод бўлганига ўзинг шоҳидсан-ку, эй, Бобо Қуёш. Бутун дунё, шу томонга ҳайрат нигоҳини қадади. Бу ерга нафақат бутун дунё, сен ҳам лолу ҳайрон қараб қолдинг-га, эй, тождор Қуёш. Бу нима мўъжиза, ер қаъридан вулқон отилдими, ёки кўкдан нури ҳидоят тушдими, дея ҳайрат бармоғини тишлаб қолдик-ку. Бунақасини ҳеч кўрмаган эдик. Бир зум дунёнинг етти мўъжизаларидан бири Тожмаҳал шу ерга келиб қолдимикан ёки Гўри Амир мақбараси эмасмикан, деб ўйланиб қолдинг. Мажмуанинг энг тепасида ҳилол, ярим ой, порлаб-пориллаб турибди.

Имом ал-Бухорий масжид мажмуи... Бундай мўъжизани дунё кам кўрган! Нақадар салобат, нақадар ҳайбат, нақадар гўзаллик, нақадар жозиба, нақадар нафислик... Ўзбекона ғурур тирилади кишида. Тошлар-у, деворлар ҳам, ёғочлар-у, бўёқлар ҳам гўё бир овозда жўр бўлиб ягона катта қўшиқни куйлаётгандек. Бу қўшиқ овозида ўн уч асрлик тарих ҳам, бугуннинг рангоранг товушлари ҳам, абадиятнинг мангу овози ҳам жаранглаб турибди. Бу ерда энг кичик тошдан тортиб, ҳар қандай шакллар, бўёқлар ягона хаёлга, ягона мақсадга бўйсундирилган. Ҳаммаси бир-бирига уйғун, бир-бирига мутаносиб. Улкан бу манзарадан ёлғиз бир унсурни олиб ташласангиз, бу жозиб улкан манзарага путур етиши турган гап. Бу ганч ўймакорлик санъатида, нозик ганч чизиқларида она шарқнинг қаноатли хаёл парвози, Ғарбнинг қанотли фантазияси бир-бири билан «қўл ушлашиб» турибди.

Мажмуанинг Ғарб томонидаги ҳашаматли катта дарвозани (баландлиги 5,5 метр, эни 3,60 метр) кўриб ҳайратга тушасиз.

Улуғвор бунёдкорлик ишларида самарқандлик уста Мирҳабиб Аброров ўғиллари Жавоҳир, Жамшид ва шогирдлари Амир, ака-ука Мавлон ва Муродларнинг ҳиссаси алоҳида.

— Пайшанба куни туш кўрдим, — дея ҳикоя қилади уста. — Оқ яктакда, бошига олтин рангли салла ўраган, улуғсифат чеҳра намоён бўлди ва менинг қўлларимдан тутиб, чинорлар тагидаги сарҳовуз бўйига бошлади. Кафтларида сув олиб, оғзимга тутди. Ҳўпладим. Сўнг икки қўлини равот шаклида қиблага қаратди ва юзларига фотиҳа тортди... Чўчиб уйғониб кетдим. Саҳар. Тонг ёришар маҳали. Тунда ўқиётган китобни қўлимга олдим. Улуғ аллома, тенги йўқ даҳо ҳақидаги сўзларга кўз югуртирдим. Шунда хаёлимдан бир китобда ўқиганим шундай сатрлар ўтди: Имом Бухорийга тенг бўлар ким бор? Унинг чакмонига енг бўлар ким бор?..

Ҳашаматли мадрасадаги кошинкор дарвозалар Марказий Осиёда ягона. Бунақаси ҳеч жойда яратилмаган. Яратиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган. Мўмин-мусулмонлар бу муборак қадамжога бундан буён ҳаж ва умра зиёратларидан аввал келишади ва муҳаддис бобомиз қабрини тавоф айлайдилар.

Маҳобатли қадамжо ичкари саҳнининг уч тарафи баланд айвонлардан иборат. У ерга 86 та устун ўрнатилган. Айвон тепасидаги вассаларга боқиб лол қолади киши. Баландлиги 7,5 метр келадиган устунларга наманганлик ўймакор усталар жило беришди. Устунлар мармар курсиларга ўрнатилди. Асосий дарвозадан киришингиз билан ўнг тарафдаги катта мадрасага кўзингиз тушади. Бу маърифат ва маънавият даргоҳига шарқона оро берилди. Бунда олий даражадаги қабуллар уйи ва 200 кишилик мажлис зали ҳам бор. Бу ердаги наққошлик ва кошинкорлик ишларини бухоролик қўли гул усталар бажаришди. Чап тарафдаги мадрасанинг арғамчи пештоқи, тепасидаги арабча ёзувларни бухоролик усталар Икром Маҳмудов, Мансур Бердиев ва Жўрабой Жумаевлар битган.

Тошкентнинг Кўкча ва Шайхонтоҳур даҳаларидан келган ганчкор усталар маҳорати ва ҳунарларига асосий равоқ — дарвозадан кирган ҳамоно гумбаз тагидаги заррин жилоларига кўзингиз тушади. Мажмуа ичкарисида чинорлар тагида сарҳовузга, унинг тўрт томонидаги кўкаламзор яшиллиққа нигоҳингиз тушиб, мўъжиза масканининг сеҳрли олами оғушида нафас оласиз. Бош минора сари қадам ташлайсиз. Мақбара гумбази бетимсол. Маҳобатли миноранинг пастки қаватида Ҳазратнинг қабри бор. Устки қисмида эса, Эрондан келтирилган қора нефрит тошидан қабр тош ясаб ўрнатилди.

Сен ҳам, эй Бобо Қуёш, ушбу ноёб иморат тепасида бир зум туриб қолдинг. Маҳлиё бўлиб қолдинг. Гўё боғланиб қолдинг. Ҳар бир устунда, ҳар бир кошинда жило берилган ҳар бир тошда сенинг тилло нурларинг ёғилиб турибди. Бу ердаги ҳар бир нақшда, ҳар бир чизиқда қуёш ўйнайди. Оназаминда яна бир Қуёш пайдо бўлганига ҳайратланяпсанми, эй Бобо Қуёш?! Ахир, у бугунмас, бундан ўн икки аср муқаддам пайдо бўлган эди. Бугун эса унга жило берилди, холос.

Улкан намозгоҳда катта жамоа намоз ўқиди. Бутун жаҳон ҳайратга тушадиган намозгоҳ! Бу ерда ҳамма гўё Имом Бухорий ёдидан, улуғ муҳаддис руҳидан нажот ўтинади, савоб сўрайди. Сен бунинг барига шоҳидсан-ку, эй Офтоб!

Қуёш, сен тиккага келганда йўлбошчимиз Ислом Каримов кириб келади. Дадил қадамлар ташлайди. Тийран нигоҳлар билан боқади. Унинг чеҳраси, юз-кўзларидан балқиб турибсан, эй, азиз Қуёш. Президентнинг хаёлидан шу дамда нималар кечаётган экан? У олис тарихни ўйлаяптими? Бугунимиз тўғрисида қайғураяптими? Ёки келажакка меҳрибонлик кўргазмоқдами? Президент шошмасдан дона-дона қилиб нутқ сўзлайди. Ҳар бир сўзи халқимизга, Ватанимизга муҳаббатнинг рамзи! Юзларидан муҳаббат балқиб турибди. Осмон ҳам, қуёш ҳам, шамоллар ҳам бу донишманд зотни олқишлайди. Президент чеҳраси ва юрагидаги ёруғлик барча тўпланганларнинг, бутун халқимизнинг чеҳраси ва юрагига кўчади.

Бундан саккиз ой олдин хароба майдонда қурилишнинг биринчи қозиғи қоқилганини ўзинг кўргансан-ку, Қуёшим! Орадан саккиз ой ўтди. Халқимиз юрагида XIII асрдан буён тўпланиб келаётган туғён отилиб чиқди шу ердан. Нақадар гўзал туғён! Унда қуёшнинг етмиш етти хил рангию камалакнинг етмиш ранги ўйнайди. Биз бу кунни асрлар мобайнида кутмаганмидик?! Соғинмаганмидик шу кунларни?!

Қуёш, нурларинг ҳазрат Бухорийнинг пок руҳлари билан қоришиб дилларни, юртларни, бутун оламларни ойдину мунаввар қилиб юбормоқда. Бутун дунё одамлари ҳаяжон ила кузатадилар дунёнинг бундай ўзгаришлари, эврилишлари, янгиланишларини. Бу пок руҳ қора танли, оқ танли, қизил танли... — бутун башариятни бирлаштиради, ҳаммани бирлаштиради ҳазрат Бухорий.

Қувайтдан ташриф буюрган дорилфунун профессори Холид ал-Мезкур шундай дейди:

— Қуёшли ва мустақил диёрингизда бир неча марта бўлганман. Не бахтки, бугун ислом оламининг буюк алломаси Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий қабрларини зиёрат қилиб, кўнглимда Оллоҳга ҳамду санолар айтиб турибман. Бу қабрнинг ва масжиднинг собиқ шўролар даврида қандай аҳволда эканини эшитганман... Мустақиллик туфайли юртбошингиз саъй-ҳаракати билан қурилган улуғ кошона гўзал гўшага айланибди. Улуғларни улуғлаш давлатни улуғлашдир.

Миср олимлари делегацияси раҳбари, ал-Азҳар университети ректори, Миср Араб Республикаси халқ мажлиси депутати, профессор Аҳмад Умар Ҳошим:

— Мусулмон оламида донг таратган ватандошларингиз билан ҳар қанча фахрлансаларингиз арзийди. У кишининг мўътабар асарларини биз дарслик сифатида ўрганамиз, қўлланма сифатида фойдаланамиз. Алломанинг муборак таваллуд тўйлари ҳаммаларингизга муборак бўлсин! — дейди.

Мустақиллик туфайли, шаҳсан Президентимизнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан бундай юксалишларга йўл очилди. Энди дунёнинг барча йўллари Ўзбекистонда, Имом ал-Бухорий мақбарасида туташади.

Дунёнинг йўллари шу ерда бирлашади.

Бу мустақилликнинг навбатдаги мўъжизаларидан биридир. Эҳ-ҳе, ҳали бундай мўъжизалардан неча-неча мингларига гувоҳ бўласан, эй Бобо Қуёш. Олқишлар, ҳайратлар, қарсаклар кўкни забт этмоқда. Халқимизнинг ҳали олам аҳлини ҳайратга соладиган мўъжизалари жуда кўп!

Бобо Қуёш! Эй, тождори олам, сен ҳали бу мўъжизфалар ҳақида йиллар, асрлар оша келажакка сўзлайсан. Бугунги тантаналар хусусида бундан минг, юз минг йиллар ўтгандан кейин ҳам эшитган одам ҳайрат бармоғини тишламоғи ҳақиқат!

Имом ал-Бухорий масжид мажмуининг бугунги кўринишлари. *Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар*



Имом ал-Бухорий қадамжоси — 1959 йил

АҲМАД ФАРҒОНИЙГА ТАЪЗИМДА ЖАҲОН

24 октябрда Фарғонада ўтган юбилей тантаналаридан репортаж

Юлдузларни кўзлаган даҳо

Фарғонада ёруғ тонг отди. Янги кун бошланди. Бу куннинг шукуҳи ўзгача. Куни кечагина Самарқандда, Бухорий бобомизнинг қадамжоларида бошланган халқимизнинг катта тўйи Фарғонага кўчди бу кун. Бу кун аҳли олам Фарғонага Фарғоний бобомизнинг руҳи покларини тавоф этмоққа шошилди. Кеча йўллар Самарқандда туташган бўлса, бугун йўллар Фарғонада бирлашди. Саҳархез қушларнинг ёруғ ва янгроқ овозлари бугун Ер Самони ҳар кунгидан эртароқ уйғотди. Ҳаттоки, дарахтлар, гуллар ҳам жуда эрта уйғондилар бугун. Бобо Қуёш бизни Фарғона заминида кутиб олди.

Дунёда гўзал гўшалар жуда кўп. Уни жондан азиз биладиган фарзандлар учун эса бу макон янада қадрлироқ ва эъзозлироқдир. Аммо, заминнинг ўз киндик қони томган парчасини асрлар оша маълуму машҳур қилмоқ учун қобил фарзандлар керак. Ўз ватани қобиғидан ёриб чиқиб, башарият ғами билан ёнадиган, бутун инсоният дардини ўз дарди деб биладиган, унинг келажаги учун ҳиссасини қўша оладиган олиму уламолар керак.

Эй, Бобо Қуёш! Эй, Тождори Олам кўраяпсанми миллатимизни? Кўраяпсанми Ўзбекбобом авлодини? Унинг шуҳратига, унинг шаънига ҳавасинг келмаяптими Сени, эй, Бобо Қуёш! Бизни эса бугун ҳам фахрдан, ғурурдан, кўксимизга сиғмаётган ҳайратдан ҳайқиргимиз келаётир. Ҳайқиргимиз келаётир, дунёларни тўлдириб.

Эй, Бобо Қуёш Сен неча минг йиллардирки гувоҳсан. Фарғона водийси азалдан яшиллиги, гуллари билан машҳур. Боғлари, гулзорлари билан дунёга донг таратган. Аршнинг Ердаги бир бўлаги, жаннатнинг саккизинчи қисми Фарғона дейишлари бежиз эмас. Яна шу аниқки, бу гўзаллик, бу боғ-роғлар дунёга келиши учун инсон қўли зарур. Фарғона ўзининг ана шундай меҳнаткаш инсонлари билан ҳам машҳури оламдир. Водий ўзининг олимлари, зукко шоирлари, маърифатпарвар шоҳлари билан машҳур азалдан. Айтадиларки, водий илоҳий назар тушган муқаддас жой. Буни кечаги тарих ҳам, бугунги байрам ҳам кўрсатиб турибди. Мустақиллик Фарғона заминига янги-янги боғларни ато этди. Бу боғларда халқимизнинг истиқболга бўлган ишончи, қалб ҳарорати барқ уриб яшнайди. Халқимизнинг келажаги гуллайди бу боғда. Бу боғларга зоғлар оралай олмайди. Чунки бу боғлар — Мустақиллик боғлари.

Кўраяпсанми, эй, Бобо Қуёш! Барчанинг водийга, Қувага оқишини кўраяпсанми, ахир. Дунё кўҳна Қуванинг Шаҳристонига ошиқмоқда. Бундан XII аср муқаддам ҳам бу ердаги мўъжизага, Аҳмад ал-Фарғоний таваллудига ўзинг гувоҳ бўлгансан. Эй, Бобо Қуёш, Сендаги боқийлик, Заминдаги боқийлик, Осмондаги боқийлик халқимизнинг бир фарзандига ҳам насиб этганига ҳавасинг келмаяптими? Азиз ватанимизнинг кичкинагина бир Шаҳристонида дунёга келган, тупроқ кўчаларини чангитиб катта бўлган Аҳмад бир вақтлар келиб, олам аҳлини ҳайратга солишини билгандирсан, балки билмагандирсан. Лекин бугун ўзинг гувоҳ бўлаётганинг тўй, унинг даҳоси олдида башарият таъзим қилаётганидан далолатдир. Аҳмад ал-Фарғоний туғилган заминга қўйилган ёдгорлик унинг аждодларини миннатдорчилик рамзи эмасми, эй, Бобо Қуёш!

Кеча эмасмиди, «Ўзбекнинг 92 фоизи саводсиз» деб тамға босганлари. Кеча эмасмиди, Ўзбек болаларини илмга қобилиятсиз, илмга лаёқатсиз деб ёзғирганлари. Кеча эмасмиди, Ўзбек фақатгина далада ишлашга қодир, унга кетмондан бошқасини ишониб бўлмайди деганлари. Кеча эмасмиди, империяпарастлар биз Ўзбекистонга ёруғлик олиб келдик, илму маърифат олиб келдик, деб кўксиларига урганлари. Кеча эмасмиди, биз сенга билим берганимиз учун қуллуқ қил деб пешонамизга чертишганлари. Кеча эмасмиди...

Балки, бугунги тўйда кечани эслашимиз кимгадир нотўғри туюлар. Лекин, кечасиз бугун бўлмайди, ахир.

Эй, Бобо Қуёш! Эй, Олам тождори! Ахир сен гувоҳ эдинг-ку Ўзбекбобомнинг қудратига. Ўзбекбобомнинг салоҳиятига ўзинг гувоҳ эдинг-ку, эй, Бобо Қуёш! Нега сен уларни қуйдириб кул қилмадинг. Нега сен айтмадинг уларга ал-Фарғонийдек боболари бор Ўзбекнинг деб. Нега сен айтмадинг Шарқ — Ўзбекистон дунё маданиятининг, дунё илму фанининг бешиги бўлганини. Билардинг-ку, миллатимиз дунёга қанчадан-қанча даҳоларни тарбиялаб берганини. Билардингку, осмон илмига, тиб илмига, ал-жабр ва ҳакозо-ҳакозо илмларга даҳоларимиз қўшган ҳиссани. Балки билатуриб айтмаганинг ҳам яхши бўлгандир. Ўзбек ўзлигини ўзи танисин, ғурури уйғонсин, деб ўйлагандирсан. Балки билгандирсан бир куни Ўзбекнинг бошига ҳам офтоб туғишини. Миллатни уйғотишга қодир, юксакларга чорлагувчи раҳбар юрт тепасига келишини ҳам билгандирсан эй, Бобо Қуёш!

Қувончдан, фахрдан, ҳайратдан Қуванинг юраги қандай ураётганини сездик биз бугун. Қадим Қуванинг шундай биқинида жойлашган 260 метрлик кўҳна қалъанинг қайта тикланиши ҳам халқимизнинг қудратини яна бир карра намойиш этди.

Қува бугун гўзал фавворалар қуршовида. Сув эмас, гўё шуълалар ёғилмоқда маржон-маржон. Ҳар бир нарса даста-даста нурдек товланади. Даста-даста гулларни эслатади бу фавворалар. Шарқона фавворлар... Туркиёна фавворлар... Ўзбекона фавворлар... Минг икки юз йил аввал ҳам бу ерларда худди шундай фавворалар сув сачратиб, тош ариқлар тўлиб оққан. Ариқлар бўйида алвон-алвон гуллар шаббодаларга ихтиёр бериб тебранган. Ўзбек заминида гўё баҳор кезиб юрибди. Такрор бўлса-да айтамиз: Мустақиллик бизга фавворалари ҳам қайтариб берди.

Эй, Бобо Қуёш! Эй, тождори олам, сездингми, биз — Қувага борган меҳмонлар унинг ҳар бир ҳасини, тупроғини кўзимизга суртишга тайёр эдик. Чунки, бунда 1200 йил муқаддам Аҳмад ал-Фарғоний бобомиз дунёга келган. У кишининг қадам излари бор бу тупроқда. У кишининг ҳидларини димоғимизда туйдик биз. Тўйга келган ҳар бир киши у кишининг руҳлари билан бақамти тургандек сезди ўзини. Биз ўсдик. Биз осмон билан бўйлашдик эй, Бобо Қуёш. Сездик боқий осмонни-да бизга ҳаваси келди. Ўзбекка ҳаваси келди унинг эй, Бобо Қуёш.

Фарғона шаҳрида бунёд этилган Аҳмад ал-Фарғоний боғига ҳам ҳаваси келди осмоннинг. 21 гектарлик боққа одам сиғмади бугун. Бу ердаги ранго-ранг гуллар, азим чинорларнинг шивири ҳам ал-Фарғоний бобомизнинг руҳи покларига саловат айтаётгандек. Бутун Фарғона, бутун Ўзбекистон, бутун Жаҳон кўчди бугун ана шу мўъжазгина боққа. Бугун бу боғ Фарғонанинг қалбига айланди. Фарғонанинг юрагига айланди бу боғ. Бобомизнинг саккиз метрлик маҳобатли ҳайкали, уни ярим ой шаклида ўраб турган 19 метр баландликдаги олтита устун, миллатимиз қудратидан далолат берди дунёга. Тантаналарга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар ҳам ўз ҳайратларини яширмадилар.

Қўлида юлдузлар чизмасини ушлаб турган алломанинг улкан ҳайкали рўпарасида турганлар қалбидан нималар ўтмади дейсиз. Ҳа, Оллоҳнинг назари тушган, унинг Ўзи қобилу доно фарзандлар ато этган бу юртга бугун бутун жаҳон тасанно ўқимоқда. Оққан дарё барибир оқади, дейдилар, бу юртдан эрта-индин яна шундай олимлар етишиб чиқади, деган умид дўстлар кўнглидан кечаётган бўлса ҳам ажаб эмас. Ахир башариятни севганларни бутун башар ҳам севади-да. Бу бугун ўз исботини топиб турибди.

Тақдир, дейдилар. Халқимиз бошидан қора кунлар ҳам ўтди. Ўша манфур дамларда фақат тириклар эмас, шу юрт обрўйини кўкда тутиб турган боболар руҳи ҳам қувғинга учради. Аммо... билмадиларки, улар Ернинг фарзандлари эдилар. Айланиб турган шу сайёрани яксон қилмасалар бу мўътабар инсонлар ёдини йўқ қила олмас эдилар.

Шундай бўлди ҳам. Жаҳон халқлари уларни ўз қалбида, асарларини ўз бағрида асраб-авайлади. Бугун Миср, Ироқ, Тунис, Марокаш, Туркия, Ҳиндистон, Эрон, Буюк Британия, Германия, Франция, Нидерландия, Ирландия, АҚШ ... каби кўплаб мамлакатларда сақланаётган ал-Фарғоний асарлари бунинг ёрқин мисолидир.

«Китоб фий ҳаракат ассамовийа ва жавомиъ илм ан-нужум» («Самовий ҳаракатлар ва умумий астраномия китоби»), «Китоб ал-ҳайъа ал-фусул ас-салосин» («Астурлоб ясаш ҳақида китоб»), «Китоб амал бил астурлоб», («Астролябия билан ишлаш китоби»), «Жадвал ал-Фарғоний» («Ал-Фарғоний жадваллари»), «Рисола фий маърифа ал-авқот аллатий якўн ал-қамар фийҳо фавқ ал-арз ав тахтҳо» («Ойнинг ер остида ва устида бўлиш вақтларини аниқлаш ҳақида рисола»), «Ҳисоб ал-ақолим ас-сабъа» («Етти иқлимни ҳисоблаш»), «Китоб амал арруҳомот» («Қуёш соатини ясаш китоби»), «Таълил ли зиж ал-Хоразмий» («Ал-Хоразмий «Зиж»ининг назарий қарашларини асослаш»).

Дунё кутубхоналарида сақланаётган бобокалонимиз асарларини санар эканмиз, ал-Фарғоний деган зотнинг ақлу заковати қудрати нақадар юксак эканлигини ҳис қила борамиз. Ахир, бу китоблар ҳам ҳали унинг яратган илмий дунёсини ўзида тўла мужассам эта олмаслиги тайин. Йиллар силсиласи ва ур-тўполонлари бундай китобларнинг қанча-қанчасини ютиб юборганлиги ҳам бор ҳақиқат. Бунинг устига ҳали жаҳон кутубхоналаридаги минглаб ўқилмаган асарлар орасида ҳам буюк бобомизнинг мукаммал асарлари яшириниб ётган бўлиши эҳтимол.

Кўнгилдан кечаётганларни ким биландир ўртоқлашгимиз келиб беихтиёр тевараккa аланглаймиз. Во ажабо, атроф бунча мунаввар бўлмаса. Ҳайкал пойига тўшалган ям-яшил майсалару очилиб турган қип-қизил гуллар гўё бутун дунё бўйлаб чўзилиб кетгандай. Бутун борлиқ ана шундай гўзалликка буркангандай. Энг ажабланарлиси, баҳор яна қайтиб келгандай гўё.

Дарвоқе, кўнгилларда ростдан ҳам баҳорий кайфият ҳукмрон бугун. Балки кўнгилда уйғонган бу туйғунинг рамзий маъноси ҳам бордир. Ахир, Ватанимизга бундан етти йил муқаддам ростдан баҳор қайтиб келмаганмиди? Бугунги ҳаяжонли дамлар, бугунги шодиёналар, буюк боболарнинг руҳини шод қилиб, уларни эслаб қўл ураётганимиз савобли ишлару адо этилаётган фарзандлик бурчимиз ҳам аслида ана шу баҳор туфайли, баҳоси тенгсиз Мустақиллик туфайли эмасми?

Илмнинг икки томони бор дейдилар. Илмий хулосалар қила туриб, шимолда юрган одамга узоқ жанубда кўринадиган юлдузлар кўринмайди, бу эса Ернинг думалоқ эканлигига асос бўла олади, деган эди ал-Фарғоний. Бу фикр ўз илми доирасида маълум маъноларни беради, албатта. Аммо, биз бугун уни рамзийроқ тушунгимиз келади. Баъзан шимолда юрган одамларга жанубнинг ёрқин юлдузлари кўринмаслиги табиий экан. Чунки, бу дунёни чарх деб қўйибдилар. Мана у бугун бошқа томонга айланиб турибди. Бугун Шарқнинг юлдузлари яна порлаб кўринмоқда.

Шу ерда беихтиёр руҳланиб кетасан киши, балки эрта-индин бу юртнинг янги-янги юлдузлари ҳам ўзини кўрсатиб қолар. Ахир, Фарғонийнинг, юлдузлар узоқдан кичик кўринса-да, аслида жуда катта эканлиги ҳақидаги гапларини орамиздаги юлдузларга йўйсак нимаси ёмон.

Биз боя Ватан номини шарафлаш учун унинг фарзандлари ана шу доирадан чиқиб кета олиши кераклиги ҳақида гапирган эдик. Ҳозир эса бошқа бир нарсани англагандай бўляпмиз. Яъни, соддадил ва кўнгилчан халқимизнинг ақли бўлиб ўзини намоён қила олган бобокалонимиз ал-Фарғоний зеҳни ҳатто Ер шаридан ҳам баландга кўтарилиб кетган экан. У гўё Фарғонада илдиз отиб, шохчалари бутун ер юзидан нафас олаётган, осмону фалакни кўзлаган бақувват дарахтга ўхшайди. Унинг илдизи Фарғонада, макони эса Ер деб аталган, Оллоҳ ўз бандалари учун яшаш уйи қилиб яратган сайёра эди.

Мана бугун шу зотнинг ўз фарзандлари қўли билан яратилган ҳайкали ёнида турибмиз. Яна хаёл олиб қочади. Шу дамда бобомизнинг руҳи нақадар шод бўлаётган экан? Балки, илмий ютуқларга эришган, янги кашфиётларини оламга тарата олган пайтлари ҳам унинг ўзи бунчалик суюнмагандир?

Биз эса унинг руҳи покига таъзим қила туриб, бутун оламга жар солгимиз келади: Олам аҳли, билиб қўйинг, пойига гуллар тўшалган бу инсон Бизнинг бобомиз. Вақтида Миср аҳли деҳқончилиги учун мислсиз самара берган Нил дарёси сувини ўлчовчи асбобда ҳам, қанча-қанча одамларнинг йўлини равон қилган Маъмун харитасида ҳам ана шу зотнинг ўткир ақлу заковати ўрни бор эди. Бу заковат инсоният учун осмон илмига, юлдузлару сайёралар томонга йўл очишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган эди.

Ва яна бир гапни айтмасак бўлмас, бир кун келадики, ўтган замонда эмас, ҳозирги, ҳатто келаси замонда ҳам шу юрт фарзандлари ишлари ҳақида достонлар битилажак. Шу кунларни Оллоҳ бизга яқин қилган бўлсин!

...Ҳайкал пойига тиз чўкканча яна атрофга термуламиз. Халқ. Қувончдан қанот ясаб парвоз қилаётган халқ. Уларнинг кўзида эса... во ажабо, биз айтаётган гапларнинг ҳамма-ҳаммаси!..

Эй, Бобо Қуёш! Эй, тождори олам, Президентимиз сўзлаётганида эътибор бердингми унга. Унинг юзидаги меҳр, қалбидаги иссиқликни ҳис қилдингми сен. Сен ҳис қилдингми миллатимизнинг нақадар қудратли, донишманд авлодлари борлигини. Кўрдингми, улар ўз аждодларини нақадар эъзозлашаётганлигини. Биз эса бугун яна, балки мингинчи мартадир, Мустақиллик нима эканлигини юрагимизнинг туб-тубида ҳис этдик. Мустақиллик Темур бобомизнинг Ўзбекистонга қайтиши эмасми? Темур бобомизнинг юртимизга қайтиши муносабати билан Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарлари қайта туғилгани рост-ку. Мустақиллик Имом ал-Бухорий бобомизнинг, Аҳмад ал-Фарғоний бобомизнинг ўз юртларига қайтишларида бор бўйбастини намоён этмаяптими, ахир. Кимлардир босқинчидан олиб қонхўрга солган ҳазрат соҳибқирон, Жалолиддин Мангуберди боболаримизнинг юртга қайтишлари мустақиллик аслида. Эҳ-ҳей, бундай мисолларни санайверсак адо бўлмайди. Ана шуларнинг ҳаммаси мустақиллик шарофати, Йўлбошчимизнинг ижодий тафаккури сарварлигидандир.

Агар бундан 8-10 йил муқаддам хоҳлаган ўқувчини тўхтатиб, Жордано Бруно ҳақида сўрасангиз ёки Галилей хусусида савол берсангиз у сизга тутилмасдан жавоб бера оларди. Лекин, Имом ал-Бухорий ким, Аҳмад ал-Фарғоний ким, Ибн Синою Беруний-лар ҳақида умумий тасаввурдан бўлак ҳеч нарса йўқ эди уларда. Айниқса, ал-Фарғоний бобомизнинг номи негадир бирор ерда тилга олинмасди. Ахир, Фарғонийдай дунё тан олган алломани ўз авлодлари билмаслиги уят эмасмиди?

Эй, Бобо Қуёш! Сенга маълум, Имом ал-Бухорий бобомиз ислом оламининг, руҳий оламнинг салафларидан бири сифатида аҳли олам томонидан тан олинган бўлса, Аҳмад ал-Фарғоний бобомиз аниқ фанлар оламининг салафларидан бири сифатида тан олинган. Биз ҳар қанча фахрлансак арзийдики, Имом ал-Бухорий ҳам, Аҳмад ал-Фарғоний ҳам бизнинг, халқимизнинг фарзанди. Йўқ, улар нафақат Ўзбекистоннинг, балки Туркистоннинг, йўқ, балки бутун башариятнинг фарзандларидир. Балки улар Ўзбекнинг башариятга қилган туҳфаларидир.

Бизнинг мана шу қайдларимизни ўқиётган азиз муштарий, жаннат ҳақида ҳам ўқиган чиқарсиз. Балки жаннат ҳақида ўзингизнинг тасаввурингиз ҳам бордир. Бугун сиз ўқиган ўша жаннат, сиз тасаввур қилган боғи Эрам Фарғонанинг юрагига — Аҳмад ал-Фарғоний боғига кўчди. Биз ҳам ўзимизнинг тасаввуримизни, қувончларимизни, фахру ғуруримизни сизга илиндик. Яна сизга тиладикки, Бухорий бобомизнинг мақбараларини, Фарғоний бобомизнинг қадамжоларини зиёрат этишдек буюк бахт насиб этсин сизга. Зеро, улар бизники! Ўзбекники! Бугун уларни зиёрат этиш ниятида дунёнинг минг бир бурчагидан меҳмонлар ташриф буюрдилар. Оллоҳга шукурларки, улар бизнинг шундай ёнимизда, Оллоҳга шукурларки, улар бизга руҳан ва маънан елкадошдирлар. Оллоҳга шукурларки, биз мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги курашларимизда уларнинг маънавий кўмакларини сезиб турамиз. Оллоҳга шукурларки, шундай фарзандлари бор миллатнинг келажаги буюк эканлигига ҳеч ким шубҳа билдиролмайди!





Абдусаид КЎЧИМОВ,
Азим СУЮН

Тошкент — Самарқанд — Ҳартанг — Қува — Фарғона — Тошкент.

O‘ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 25 oktyabr, yakshanba № 128 (23.365).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Спорт

«Пахтакор»чилар сўзида турди

Икки ҳафтадирки мухлислар кўнглида ғашлик ҳукмрон эди. Боиси, улар ўша 9 октябрда Ашгабатда пахтакорчиларнинг «очиқ дарвозалар» кунини нишонлашганини ҳеч «ҳазм» қилолмай юришганди. Наҳотки, мамлакат чемпиони бўлишига бир баҳя қолган севимли жамоамиз битта ҳам уролмай 5 та тўп ўтказиб юборса, деган савол кўпчиликни ўртади. Ниҳоят, футболчиларимиз устози Вега да Сильванинг: «Тошкентда 6 та жавоб тўпи киритамиз», дейиши ишқибозларни яна саросимага солди.

Гап шундаки, пахтакорчилар ўшанда сафарга кучсиз таркибда йўл олишган. Яна ўйин бошидаёқ дарвозабон П. Бугалога қизил карточка кўрсатилиши йигитлар руҳини тушириб юборган. Томошабинлар бекорга куйинишмайди. «Пахтакор»ни ҳамиша қўллаб, олқишлаб келаётганлар жамоанинг имкониятларига ишонишган эди. Умуман, Осиё кубок эгалари кубогига қўл узатиш осонмас. Бунинг устига Ашгабатнинг «Ниса» жамоаси билан «Қайсар» (1:0, 1:1) ўйнаб, кутилмаганда «Пахтакор»ни ютган бўлса, «Пахтакор» билан «Хўжанд» учрашувида 4:1, 1:1 ҳисоблари қайд қилинганини «Ниса»га шунчаки ютқазиб қўйилганидан нишона эмасми. Тағин «Ниса» Туркманистон чемпионатида иккинчи ўриндан кўтарила олмаётган жамоа саналади. Шу далил рақамларнинг таҳлили ҳам «Пахтакор»га ён босиши табиий.

Ўтган куни «Пахтакор» марказий ўйингоҳида футбол байрами бўлди. Ўйингоҳ бу яқин орада бунчалик тўлмаганди. «Пахтакор» билан «Ниса» ўртасидаги такрорий учрашувнинг қандай кечиши, яна футболчиларимиз устозининг айтганларини рўёбга чиқишига катта умид боғланганди. Учрашув ишқибозлар кутгандек бошланди. Биринчи дақиқадаёқ 11 метрли жарима тўпини аниқ нишонга олган М. Қосимов ҳисобни очди. 16-дақиқада Қосимов оширган тўпни йигитлар дарвозага йўллашди. 30-дақиқада Миржалол яна ўзини кўрсатди. Танаффусга чиқиш олдидан Игорь Шквирин ҳисобни 4:0 га етказди. Учрашувнинг иккинчи қисмида туркман футболчилари ҳушёр ўйнашга ҳаракат қилишди. Аммо, пахтакорчиларнинг ҳужумкорлиги ўз самарасини берди. 67-дақиқада Дилмурод Назаров, 75- дақиқада эса Игорь Шквирин маҳорат кўрсатиб, кўнгилдаги ҳисоб — 6:0 маррасига етишди.

Шундай қилиб «Пахтакор» минглаб мухлисларни мамнун этиб, Осиё кубоги учун курашнинг навбатдаги босқичига чиқди.

«У киши — сизнинг эрингиз...»

Бозордан чиқиб, автобус бекати томон кетаётгандим, кимдир қўлимдаги халтани аста тортди. Қайрилиб қарадим, қошлари тим қора, келишган йигитча салом берди-да, — келинг, мен кўтаришиб борай, — деди. Кўзимга иссиқ кўринди, лекин ҳа, деганда эслай олмадим. Ким бўлди бу савобталаб йигитча.

Бекатга келгач, бўлмади, сўрашга мажбур бўлдим:

— Ўғлим, узр, мен сизни эслай олмаяпман, бир чеккаси кексалик... Кимнинг фарзандисиз?

— Маҳмуджонман, амаки. Маҳмуджон. Паст кўчадаги бе-ҳозир юз берган вазиятни юмшатадиган бирор сўз айтилса керак деган хаёлда орага гап қўшмадик.

— Ҳа, буни нимаси ноҳақ, қизим тўғрисини айтган, — гапга қўшилди доцент қуда. — Бордию қизим шу хонадондагиларнинг барчасига хизматини қиладиган бўлса, келин эмас, чўрига айланиб қолади, шундай эмасми? — У биз томондан тасдиқ ишораси бўлади, деб ишонди шекилли, тикилганча бир зум тек турди.

— Хаҳ, — деди Кабира хола, — шу умидда ўғил ўстирганмидим, шу ниятда келин туширганмидим. Уйимизга дастёр келди, энди оғиримиз енгил бўлар, деб умид қилгандик. Қайин ота ҳам ота ўрнида, билдингизми, ўргилай, унга битта чой дамлаб бериш малол келса, келинимиз бор, деб айтишга қандай тилимиз боради?

Ўртадаги гап-сўзлар аланга олмасин деган хаёлда Зоирхон ота «хўш» деб энди оғиз жуфтлаганди, гапни яна доцент қуда илиб кетди.

— Ҳай, менга қаранг, қуда, ўзи сизда инсоф борми, не ҳасратда қизимни боқдим, ўқитдим, олий маълумотли бўлди, энди бориб-бориб бировнинг уйида чўри бўлсинми? Биз бунга сира-сира рози бўла олмаймиз.

— Гап нимадан чиққани равшан бўлди ҳаммамизга, — Зоирхон ота атрофидагиларга таъсир ўтказиш ниятида шошилмасдан салмоқланиб, ҳар бир сўзига урғу бериб гапирарди. — Бу иш англашилмовчилик. Ахир ўртада фарзанд бор, унинг тақдирини ўйлайсизларми? Келин ҳам у тушган хонадон учун фарзанд. Шундай бўлгач, баъзан ота-она учун хизмат қилмоғи — бу малол келмайдиган юмуш бўлмоғи даркор.

Ўзини босиб олишга уринса ҳам доцент қудани овози титраброқ чиқди. — Жуда тўғри. Қизим бечора ўғлига қараса, эрига қараса, яна хизматга борса, шунинг ўзи унга етиб ортади-ку.

Нима ҳам дердик, ҳар икки томон ўзиникини маъқулларди. Зоирхон ота ҳали у томонга, ҳали бу томонга насиҳат қилар, шайтонга ҳай беринглар, деб муросаю-мадорага чорларди.

— Гапнинг лўндаси шу агарда қизимни уй чўрисига айлантириш ниятида бўлишса, биз уни бу ерда қолдира олмаймиз, — хотин қуда яна аввалги ҳолатда кесиб гапирарди.

— Келин туширдик, оғиримиз енгил бўлсин деган гаплар қадим замонлардан бор, — Зоирхон ота ҳамон салмоқлаб гапирарди.

— Оғир эмас, енгил-елпи ишларга қарашиш, ҳалиги... баъзида дастёрчилик қилиш келин бўлмиш ҳар кимсанинг пешонасида бор гап.

— Йўқ, бўлиши мумкин эмас, бизнинг қизимиз бу хонадоннинг дастёри бўла олмайди, — хотин қуда гапни шартта кесди-қўйди. Зоирхон ота бу сафар ҳам гапини охирига етказа олмай қолди. Афтидан бу ҳолат куёв томонга ҳам оғир ботди.

— Начора, рози бўлмасангиз инон-ихтиёр ўзларингизда, мана қизингиз, ўзларингизга буюрсин.

Маҳмуджон ўшанда уч ёшда эди. Эшитишимча, Вазира қайта турмуш қурмаган. Ҳозир қирқларни қоралаб қолган бўлса керак. Қўшнимиз эса ўғлини қайта уйланишга зўрға кўндирди.

Исмоил СУЛАЙМОНОВ

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Юсуф ЖЎРАЕВ, навбатчи Шукур ЖАББОРОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида. А—2 форматида. 20.122 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади
Г — 0397

Босишга топшириш вақти 21.00. Топширилди — 02.30
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

«Ишсиз қолишга ҳам розиман...

Эл осойишталиги — юрт бойлиги

Агар жиноятчилик бутунлай йўқолса»,— дейди суҳбатдошимиз Хатирчи туман ички ишлар бўлими жиноятчиликнинг олдини олиш бўлинмаси бошлиғи Алишер Хушвақтов. Тўғриси, бу гап бизга ёкди. Ўзимизча орзу қилдик. Қани энди мамлакатимизда жиноятчилик аталмиш унсур бутунлай йўқолиб кетса-ю, барча шу соҳа ходимлари ишсиз қолишса. Албатта, бу ерда ишсизликка бошқача урғу бермаслик керак. Бу ижобий маънодаги, мақтанса арзигулик ишсизлик бўлади.

—Бундан беш-олти йил олдинги вазиятни кўз олдингизга келтириб кўринг. Жиноятчилик шу даражада палак отиб, томир ёйган эдики, одамлар бизга — ҳуқуқ тартибот ходимларига ишонмай қўйган эдилар. Кўпчиликнинг наздида биз уларга — жиноятчиларга шерикдек кўринардик. Ўша пайтлари баъзан ўзим ҳам бу соҳани танлаганимга афсусланган пайтларим бўлган. Ахир бир жиноятни очишга қўйиб-пишиб ҳаракат қилсангда, энди илдизига етдим, деганингда, юқоридан биров шартта, « фалончига тегма» деб турса...

Худога шукур, пешонамизга мустақиллик битилган экан. Юртбошимиз юрт озодлигини қўлга киритган илк кунларданоқ жиноятчиликни олдини олишга алоҳида эътибор қаратдилар. У кишининг шахсий ташаббуслари билан мамлакат миқёсида уюшган жиноятчиликка қарши умумий кураш бошланди. Ўзлари хон, ўзлари бек бўлиб юрган, «юқори»даги суянчиқларига ишонган жиноятчиларга сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолди.

—Шу жойда фикрингизни бўлсам, айтингчи, сиз қандай ўйлайсиз, ёш ўсмирнинг жиноятчилик кўчасига кириб кетишига асосий сабаб нимада. Унинг уйидаги оилавий муҳитми, маҳалла-куйми, у таълим олаётган мактаб жамоасими ёки атрофдагиларми?

—Айни кўнглимдаги савол бўлди. Одатда бирор жиноят содир этилгач, жиноятчи жазоланади ва албатта, катта-кичик давраларда жиноятчи ва у содир этган жиноят хусусида гап-сўзлар бўлади. Мана, ўзларингиз ҳам газета саҳифаларида бу ҳақда ёзиб турасизлар. Лекин кўп ҳолларда хулоса бир нуқтага келиб тақалади. «Мактаб жамоаси қаерга қараган? Маҳалла-куй нима учун вақтида эътибор бермаган? Нега участка нозири бу шахс — жиноятчига нисбатан ўз вақтида бирор чора қўлламаган? »

Хуллас, бўлари бўлиб буёғи сингандан кейин айбдор қидиришдан, кимгадир қўлингни бигиз қилиб гапиришдан осони йўқ. Менимча эса, иллатнинг илдизини бошқа жойдан қидириш керак, бўлади. Ҳар қандай фарзанд тарбиясига энг аввало ота-она, яна қайтариб айтаман энг аввало ота-она айбдор. Чунки, фарзанди қачон, қаерга бораяпти? Унинг дўстлари ким? Улар бўш вақтларида нима ишлар билан машғул бўлишади? Бу саволларга фақат ота-онагина жавоб бериши мумкин. Ахир бола бир кеча кундуз мобайнида нари борса беш-олти соат мактабда бўлади. Демак, у йигирма тўрт соатнинг тўртдан уч қисмини ота-онаси ҳузурида ўтказади. Шундай экан нега энди унга таълим берган устозини айблашимиз керак. Ёки маҳаллани олиб кўрайлик. Ахир ҳар бир жиноятчиликка мойил болани кимдир кузатиб юролмайди-ку. Тўғри, кексаларимиз тарбиясизлик қилаётган ҳар бир болани тартибга чақириши, уларга одоб-ахлоқдан панд-насиҳат бериши бизнинг улкан маънавий бойликларимиздан бири. Лекин ўша олтинга топилмас панд-насиҳатни қулоғига олмайдиган ёки ота-онасининг «фалончи чолми, ким бўпти у сенга ақл ўргатиб», қабилидаги тарбияси билан улғаётган ўсмир жиноят қилса, нима учун маҳаллани айблашимиз керак?

— Бундан чиқадики, оила ҳар қандай вазиятда ҳам фарзанднинг келажагини белгиловчи бош омил бўлиб қолаверади.

—Албатта, қолаверса, 1998 йилнинг юртбошимиз томонидан оила йили деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас. Бу биринчи навбатда мамлакатимиздаги барча оилаларни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш демакдир. Биз ҳам бу борада анча ишларни амалга оширдик. Шу кунгача туман миқёсида «Турмуш», «Мулк», «Орият», «Тозалаш», «Назорат» каби ўнлаб тадбирлар ўтказилди. Оила йили муносабати билан тумандаги барча маҳалла оқсоқоллари, фаол ҳамда оилалари маҳаллада ҳурматли бўлган ота-оналар иштирокида тўрт гуруҳга бўлиниб барча нотинч оилаларда бўлдик. Керакли жойларда суҳбатлар ўтказилди. Имкон даражасида ёш оилалар, бир-бирини тушунмаслик натижасида ажрашишга қарор қилган оилаларни қўпчилигини сақлаб қолдик.

—Алишер ака, суҳбатимизда рақамлардан фойдаланмасак дегандим. Уйлаб кўрсам бунинг иложи йўқ экан. Келинг, суҳбатимиз сўнггида аниқ рақамлар билан сўзлашсак. Демоқчи бўлганимиз, жиноятчиликнинг бултурги ва бу йилги ҳолатини аниқ рақамлар билан сўзлаб берсангиз?

— Бизда жиноятчиликни олдини олишга жуда жиддий эътибор қаратилган. Шу мақсад йўлида туман ҳокимлиги қошида «Ижтимоий кўникма» маркази ташкил этилди. Бу марказда нафақат ёшлар, балки, жазо муддатини ўтаб келганлар билан ишлаш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, ҳатто, улар иш бошлаб олгунларига қадар маълум маънода моддий ёрдам кўрсатиш ишлари ҳам амалга оширилади.

Ҳар ҳолда меҳнатларимиз зое кетаётгани йўқ. Туман бўйича жиноятчилик сонини анча камайтиришга эришдик. Агар аниқ рақамлар билан гапирадиган бўлсак , ўтган йилнинг биринчи олти ойлигида ўзгалар мулкини ўғирлаш жинояти 83 марта қайд этилган бўлса, бу йил бу кўрсаткич 51 тага тушди. Жиноят қидирув соҳасида бу кўрсаткич 128 тани ташкил этган бўлса, бу йил 105 тани ташкил этмоқда. Шунингдек, ўтган йили ишламайдиганлар томонидан 18 та жиноят содир этилган бўлса, бу йил мазкур кўрсаткич 8 тага тушди. Кўриб турганингиздек, ёмон ишлаётганимиз йўқ. Лекин бу ҳали яхши ишлаяпмиз, дейишимизга ҳам асос бўла олмайди. Қачонки, жиноятчилик аталмиш, ўзбек феъ-лига умуман ёт бўлган иллатни таг-туги билан супириб ташласаккина, **БИЗ ЯХШИ ИШЛАДИК**, деб мақтанишимиз мумкин.

«Ўзбекистон овози» махсус мухбири Ислом ҲАМРО суҳбатлашди.

***

Суратда: Алишер ХУШВАҚТОВ (чапдан иккинчи).

Қалбдаги дарз

ҳили ҳовлида турардик, Вазира қизингизнинг ўғлиман.

— Э, ҳа, бўлди-бўлди, эсимга тушдингиз, у пайтда жуда ёш эдингиз, буни қаранг-а, капкатта йигит бўлиб қолибсиз. Умрингизни берсин, сизни тарбиялаган онангизга раҳмат.

Йўлда кетяпман-у, хаёлимда бир савол чарх уради: нега у кимнинг фарзандисиз деб сўраганимда одатдагидек отасининг исмини эмас, балки онасининг номини айтди. Жавобини излаб, бундан чамаси ўн йил аввал бўлиб ўтган воқеани эсладим.

... Кечга яқин беҳили ҳовлидаги қўшнимиз қудалари келганлиги, маслаҳатли юмуш борлигини айтиб, мени ҳам таклиф этди. Чиқдим. Эшитганим бор эди, қўшни келиннинг онаси қайси бир олий даргоҳда доцент, отаси эса мактаб директори.

Маҳалламизнинг оқсоқоли Зоирхон ота ҳам шу ерда эканлар. Ҳол-аҳвол сўрашдигу ўртага сукунат чўкди. Юракни сиқадиган сукунат.

— Хўш, тинчликми, нима гап ўзи?

Қўшнимиз Кабира хола бир йўталиб олди, сўнг совуқ қараш қилиб олгач, гап бошлади:

— Мана, сизларнинг қанчадан-қанча қуда-андаларингиз бор, келинларингиз бир ён, куёвларингиз бир ён, — Кабира хола Зоирхон ота ва каминага қараб сўзларди. — Қани айтингчи, шунча йил, шунча замонлар ўтиб, бизда бўлганидек гап ўтганми сизларда? Бўлган гап-сўзларни гапирмай қўя қолай, кечагисини айтай, сўнг баҳосини ўзларингиз берарсиз. Шу десангиз, булар ток кесаётган эди. Бир вақт, «ҳў, ким бор, битта чой дамлаб беринглар, томоғим қақраб кетди», дедилар. Мен кийимларини дазмол қилаётгандим. Вазирахон, ҳа Вазирахон, дадангизга бир чойнак чой дамлаб беринг, деганимни биламан... У киши сизнинг эрингиз, бинобарин сиз у кишига ухаживат қилишингиз зарур, бу — сизнинг вазифангиз, мен эса ўз эримга қарайман, деса бўладими.

Зоирхон ота беихтиёр «ё астоғфуруллоҳ» деб юборди.

Vatanni sevmak iymondandur!

Қумқўрғонда «Ўзбекистон овози» га 1500та обуна!

Обуна 99

Маънавий эҳтиёж

Ватанимизнинг овози бўлган «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарининг доимий мухлисиман. Қолаверса, мен шундай фикрдаман: қайсики раҳбар ана шу газеталарга обуна бўлмаса, уни ўқимаса... бу унинг катта хатоси бўлади. Нафақат раҳбарлар, балки ҳар бир тафаккурли киши «Ўзбекистон овози»ни ўқиб бориши лозим деб биламан. Чунки газета жуда ўқишли, ундан кўп нарса ўрганиш, фикрингизни чархлаб юриш мумкин. Очиғи, энг жасоратли мақолалар ва ўткир танқидий чиқишларни ҳам «Ўзбекистон овози»дан ўқийман.

Шу боис келгуси йил обунасини кўнгилдагидек ўтказиш учун туман ҳокимлигида катта тадбирлар ишлаб чиқилди. Қўмқўрғонда катта-кичик 1000 дан зиёд ташкилот ва корхоналар бор. Шу нарсани ҳеч иккиланмай айта оламанки, ана шу ташкилот ва корхоналарнинг барчаси «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» ва «Осиё бозори» газеталарига обуна бўлишади.

Обуна мавсумини МАЪРИФАТ мавсуми дейиш мумкин. Зеро, ҳар биримиз маърифатга интилиб яшамоғимиз керак. Қумқўрғонда «Ўзбекистон овози» газетасига 1999 йил учун энг кам деганда 1500 киши обуна бўлади.

Нормўмин ЧОРИЕВ, Қумқўрғон тумани ҳокими

Сурхондарёда матбуот нашрларига обуна қилиш бўйича катта тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилянти.

Куни кеча ХДП вилоят кенгашида ана шу долзарб масала — матбуот нашрларига обунани ташкил этиш бўйича йиғилиш бўлди. Вилоят ХДП кенгашининг биринчи котиби, Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Ҳамро Эрматов «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журналига обунани намунали ўтказиш бўйича фикр билдирди. У ўтган йили эришилган ютуқ ва камчиликларга тўхталиб, бу йил обуна мавсумида биринчи навбатда вилоятдаги ҳар бир партия аъзоси ҳеч бўлмаганда ана шу нашрларнинг бирига обуна бўлиши — бугунги кун талаби ва маърифатга чанқоқ кишининг эҳтиёжи эканини таъкидлади.

Вилоят ХДП туман ва шаҳар кенгашлари биринчи котиблари иштирок этган ушбу йиғилишда вилоят ХДП кенгашининг нашри «Халқ йўли» газетасига ҳам обунани яхши ташкил этиш бўйича таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири

(Газетанинг навбатдаги сони 29 октябрь — пайшанба куни чиқади)

Мамлакатимиздаги энг йирик, аъло сифатли қаттиқ ёқилғи ишлаб чиқарувчи
«КЎМИР» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

Ангрендаги каолин — кўмир конидан кўмирни қазиб олиш жарёнида дастлабки каолинни қайта ишлаб майдаланган каолин ва кварц қумларини ишлаб чиқаради

ИККИЛАМЧИ МАЙДАЛАНГАН, БОЙИТИЛМАГАН

КАОЛИН

«Кўмир» акционерлик жамияти амалда чекланмаган миқдордаги каолин хом ашёси заҳираларига эга бўлиб, улар республикадаги ягона Ангрен каолин-кўмир конларидан қидириб топилган. Йил давомида «Ангрен» конидан кўмир қазиб олиш вақтида 5 миллион тонна каолин ажратиб олинади. Бугуни кунга келиб бу маҳсулот кўп мақсадларда ишлатишга мўлжалланган минерал хом ашё ҳисобланади. Ангрен каолинлари ҳозирда ўнга яқин соҳаларда ишлатишда муҳим хом ашё ҳисобланади. Айниқса, минерал таркибининг физик-кимёвий хусусиятлари бойитилмаган ҳолда ҳам ишлаб чиқариб ишлатишга имкон беради.

КВАРЦ ҚУМЛАРИ

0, 04-2,5мм ҳажмдаги дона-дона бўлган бу хом ашё бино ва иншоотларнинг турли устки элементи сифатида ташқи ва ички томонларини таъмирлашда ишлатиш мумкин. У шунингдек, қурилиш керамикаси, цемент ва асфальтбетон тайёрлаш учун ҳам яроқлидир.

«Кўмир» акционерлик жамияти майдаланган каолин ва кварц кумларини Ўзбекистон Республикасидаги барча корхоналарига ҳамда хориж мамлакатларига келишилган шартнома асосида

СОТАДИ.

Мижозлар иккиламчи каолин ва кварц қумларини турли тармоқлар ишлаб чиқаришида ишлатишнинг мақсадлари хусусида тўлиқ маълумотларни олишни хоҳласалар, қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин:

Ўзбекистон республикаси, Тошкент шаҳри, 700011, Марказ-14, 27-уй.

Телефонлар: (3712) 144-55-79, 144-57-05, факс: (3712) 41-85-56, 144-20-80.

«Кўмир» акционерлик жамияти юртимиздаги ҳамма қизиқувчи корхона, фирма раҳбарларини ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга

ТАКЛИФ ЭТАДИ.